

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR
AKADEMIYASI**

O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYI

**MUZEYSHUNOSLIK XXI ASRDA: TADQIQOTLAR,
ANANALAR VA INNOVATSIYALAR**
xalqaro ilmiy-amaliy anjuman to‘plami

3-KITOB

TOSHKENT – 2023



1-4 расмлар

Д.О.Каримова
Ўзбекистон тарихи давлат музейи бўлим мудири,
PhD, катта илмий ходим
(Ўзбекистон)

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ КОЛЛЕКЦИЯСИДАН БРОНЗА ДАВРИ ҚАБРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозициясида намоёни этилаётган бронза даври қабри таҳлил этилган.

Калим сўзлар: Музей, бронза даври, Сополлитепа, Жарқўтон, кулолчилик буюмлари, меҳнат қуроллари, дафн маросимлари, экспозиция.

Аннотация: В данной статье анализируется гробница эпохи бронзы, представленная в экспозиции Государственного музея истории Узбекистана.

Ключевые слова: Музей, эпоха бронзы, Сополлитепа, Жаркутон, керамика, орудия труда, погребения, экспозиция.

Abstract: This article analyzes the tomb of the Bronze Age, presented in the exposition of the State Museum of the History of Uzbekistan.

Key words: Museum, Bronze Age, Sopolлитеpa, Zharkuton, ceramics, tools, burials, exposition.

Халқимиз тарихи ғаройиб воқеаларга жуда бой, маънавий мероси бекиёсдир. Келажакни яққолроқ тасаввур этмоқ, бўлажак воқеаларни аниқроқ башорат қилмоқ учун ўтмишимизни, тарихий анъаналаримизни яхшироқ билмоғимиз шарт. Шулар қаторида қадимги дафн маросимлари ўтмишимизни, қадим диний маросимларимизни ўрганиш имконини беради. Мукамал тарзда қадимда бронза даврида дафн этиш билан боғлиқ маросимлар алоҳида

диққатга сазовор. Бунга бронза даврининг Сополли маданияти дафн маросимларини таъкидлаш жоиз.

Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё) ўтроқ аҳолининг дастлабки марказларидан бири ҳисобланади. Ушбу вилоятдаги бронза даврига оид Сополлитепада тўртбурчакли истехком қазиб очилди. Истехком ичида турар жойлар, рўзғор ва хужалик хоналари, хунармандчилик устахоналарининг қолдиклари топилди. Сополлитепада 8 та гузарга тегишли уй-жой текширилган. Уй-жой сатҳлари лой билан сувалган, дон сақлаш учун ишлатилган хоналарнинг сатҳи ганч билан ҳам сувалган ёки хужалик хоналарининг сатҳига сопол синиклари терилган. Моддий манбалар Сополлитепада кулолчилик ва металлчилик юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Хилма-хил кулолчилик буюмлари хўжаликда чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сақлаш учун ишлатилган. Бронзадан ханжарлар, ўқ учлари ва найза пайконлари, пичоқлар, жез игналар ва идишлар ишланган [1, 26-27].

Сополли маданиятининг иккинчи босқичи Жарқўтон ёдгорлиги бўлиб, Сополлитепа даврида дафн этиш уй ичида амалга оширилган бўлса, худди шу анъана Жарқўтон ёдгорлигининг дастлабки босқичларида ҳам давом этган. Жарқўтоннинг сўнгги даврига келиб эса, алоҳида 20 гектарли қабристон пайдо бўлади. Бу ўз навбатида диннинг ҳам марказлашув жараёни бошланганлигидан далолатдир.

Жарқўтон қабристони катта ҳудудни ўз ичига олиб, уларни тадқиқотчилар Жарқўтон-3, Жарқўтон-4а, 4б, 4в деб номлайдилар [2, 17]. Жарқўтон қабристонидан 1974 йилдан бошлаб кенг кўламда изланишлар олиб борилиб, Жарқўтон-4а нинг 1 гектарлик майдонидан 731 та қабр очилган. Археологик материаллар таҳлиliga кўра, Жарқўтон-4а тўрт хронологик даврга тегишли қабрлардан иборатлиги аниқланган [3, 48-49]. А.Асқаров Жарқўтон ёдгорлигининг 5-тепалигидан, яъни «протошахристон» қисмидаги турар-жой мажмуалари ичидан 52 та қабрни очишга муваффақ бўлган.

Бу қабристонларда Сополли маданиятининг сўнгги Жарқўтон босқичидан ташқари Кўзали, Мўлали, Бўстон даври қабрлари ҳам учрайди [4, 11]. Демак, сўнгги Жарқўтон даврида шаҳар аҳолиси учун ибодатхонанинг пайдо бўлиши, турли диний урф-одатларнинг такомиллашишига, тартибга солинишига, яъни жамоаларнинг дафн маросимлари билан боғлиқ барча удум ва урф-одатлар ибодатхона мубодлари ва хизматчилари қўлида жамланишига олиб келади. Шунингдек, сўнгги Жарқўтон даврида мархумни дафн этиш учун алоҳида, турар-жой манзилларидан четда қабристоннинг пайдо бўлиши, одамларнинг мафкуравий дунёқараши ўзгара бошлаганлигидан, уларнинг онггида диний ғоялар чуқурроқ илдиз ота бошлаганлигидан далолат беради. Бу далиллар қишлоқ маконларида тоза ҳавони асрашга қаратилган эътибордир. Тоза ҳавони асраш кейинчалик зардуштийликнинг асосий унсурларидан бирига айланган.

Ушбу қабрлардан бири бугунги кунда юртимизнинг йирик музейи ҳисобланган Ўзбекистон тарихи давлат музейининг доимий экспозициясида намоиш этиб келинмоқда. Музейдаги ушбу қабр ушбу ёдгорлик тадқиқотчиси академик олим А.А.Асқаров томонидан очиб ўрганилган ва музейга тақдим этилган. Бугунги кунгача ушбу қабр топилмалари доимий тарзда Археология фондида 253-коллекция, крим китобининг 949/10 тартиб рақами билан рўйхатга олинган ва сақланиб келинмоқда.



Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозициясидаги бронза даври қабри

Бу қабристондаги қабрларнинг очилиш тафсилоти ҳамда жараёнлар ҳақида ушбу объект асосий муаллифи А.Асқаров билан бўлган суҳбат жараёнида шуларни маълум қилди. “1983 йилнинг ёз ойларида давлатимиз раҳбари Ш.Рашидов экспедиция ҳудудида бирданига ташқир буюрган. Шу пайт мен жамоам билан бир қабр иншоотини очиш билан банд эдик. Табиийки мен анча пастда қовланган чуқурликда, қабр ичида эдим. Бирданига Ш.Рашидов биз қазийётган қабр тепасида пайдо бўлди. Ҳайрон бўлиб қолдик. Мен ўзимни қўлган олиб, зудлик билан тепага уларни ёнларига чиқдим. Ш.Рашидов кўришиш мақсадида менга қўлини узатди. Шунда мен уларга - узр қўлим чанг эди, ювиб келиши керак деганимда, у инсон бу қўллар табаррук қадим топроқ ва тарихимизнинг ўрганаётган қўллардаги чанглар, бу шарафку, деб қўлимни маҳкам сиқиб кўришганлар. Шу ерда мен экспедиция янгиликлари ҳақида маълумот бериб, таништириб чиққанман. Шунда топилмаларни кўриб ҳайратга тушган ўз даврида давлатимиз бош раҳбари бу топилмаларни барчага кўрсатишимиз керак дедилар. Шунда менга, сизга нима керак, деб сўраганларида. Шу топилмаларни бир жойда акс эттирувчи кичкина

бўлсада шу ҳудудни ўзида музей қурилса яхши бўлар эди, дедим. Шундан сўнг Шеробод музейи қуриб берилган. Яқин-яқингача бу музей Сополли маданияти топилмаларни ўзида мужассам этган музей сикатида фаолият олиб борди. Шу суҳбатда, бу давр дафн маросимларини янада кўплаб инсонлар кўриши учун, хорижий сайёҳлар ҳам танишишлари учун пойтахтдаги йирик музейга бирини етказиш, музейда намойиш этиш таклифини билдирдилар. Шундай сўнг, 1983 йилнинг ўзида Жарқўтон ёдгорлигида очилган топилмаларга бой аёл кишининг қабрини ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейида акс эттирдик” [5, 1]. Ушбу қабр ва топилмалари бугунги кунда ҳам музей экспозициясининг “Ўзбекистон бронза даврида” экспозициясида намойиш этиб келинмоқда.

Ушбу қабр аёл кишига тегишли бўлиб, қабр ичи ашёларга бой. Бронза ойнадан тортиб, сопол кўзача, ваза, коса, митта идишчалар ҳам мавжуд. Шу билан бирга мархуманинг бошининг орқа томонида махсус кичис сомондан тўқилган саватчада қўйнинг маълум бир суяк парчалари ҳам қўйилган. Бу шундан далолат берадики, ушбу мархумага атаб қабристонда яқинлари ва қабиладошлари томонидан диний маросим ўтказилган ва унда қўй қурбонлик қилинган. Унинг маълум бир қисми мархума билан бирга қабрга қўйилган.

Бу даврга тегишли яна 19 та қабрда майда шохли ҳайвон суяклари [6, 12] топилган. Бу қурбонликка сўйилган ҳайвоннинг маълум аъзо қисмларини, яъни 3-4 та қовурға, битта орқа сон суяги, кўкрак қафас суяги идишларга солиниб қабрга қўйилган. Бу удум мархум ёки мархуманинг тириклик давридаги ижтимоий мавқеи қай даражада бўлганлигига қараб қўлланилган. Бундай қабрлардан кўп миқдорда бронзадан ишланган турли хил буюмлар ва сопол идишлар топилган. Бундан кўриниб турибдики, Жарқўтон босқичида қўйнинг қурбонлик қилиниши асосан, қабиладаги ёши улуг, ўз меҳнати билан қабилада обрўга эга бўлган шахсларнинг қабрларидагина учратилади.

Сополли маданиятининг сўнгги Жарқўтон даврига тегишли 321 та қабр ўрганилган. Бу босқичининг иккинчи фазаси дафн маросимларини аввалгилари билан солиштирилса, дафн этиш одатлари ўзгариб борганлиги сезилади. Бу даврда мархумнинг боши нафақат шимолга, балки шимолий-ғарб томонга қаратила бошлаган [7, 12]. Демак, мархумнинг боши аста-секинлик билан ғарбга қаратила бошлаши, уларнинг диний дунёқарашларида қуёшга бўлган эътиқоднинг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, одам умрининг тугашини қуёшнинг ботиши билан қиёслаган бўлишлари мумкин.

Бу даврга тегишли 65 та қабрдан бронза буюмлар топилган [8, 7]. Эракк кишига тегишли 3 та қабрда ханжар, пичоқ, теша, болта, найза, пайкон ва кетмон каби меҳнат ва ҳарбий қуроллар топилган. Аёллар қабридан эса бронзадан ишланган ойна, билакузук, сирға, сурмадон, бигиз ва урчуктош каби меҳнат қуроллари аниқланган [9, 11].

Қабрлардаги ашёвий далилларни қўшни ҳудуд топилмалари билан қиёсий солиштириш натижасида маълум бўлдики, жарқўтонликлар Шимолий Афғонистон, Жанубий Туркманистон, айниқса, Мурғоб воҳаси, шимолий-шарқий Эрон ҳудудларидаги деҳқон жамоалари билан яқиндан иқтисодий ва этномаданий алоқада бўлган. Айниқса, Жарқўтон сополларини Шимолий

Афғонистоннинг Дашли, Жанубий Туркменистоннинг Номозгоҳ VI даври сопол буюмлари билан қиёсий солиштиришда кўриш мумкин.

Бундан ташқари, Жарқўтон қабристонидан кўплаб бронза муҳрлар топилган. Уларни Шимолий Афғонистон, Жанубий Туркменистон ва Шимолий-шарқий Эрон ёдгорликларидан топилган муҳрларга қиёслаш мумкин. Уларнинг даврий санаси мил.авв. II минг йиллик билан белгиланган [10, 36-39]. Бундай қиёсий топилмалар сафи сопол буюмлар ва муҳрлар билан чекланиб қолмайди, балки уларнинг параллелларини яна металл буюмларда, тош мунчоқларда, меҳнат қуролларида, камон ўқ учларининг шаклларида ҳам кўриш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, мил.авв. II минг йилликда Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ аҳолиси бир-бирлари билан ўзаро ижтимоий, иқтисодий ва этномаданий алоқада бўлганлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент, 2004. – Б. 26-27.
2. Аскарлов А, Абдуллаев Б. Джаркутан. –Т., 1983. – С. 17.
3. Абдуллаев Б. Новый памятник эпохи бронзы на юге Узбекистане // ОНУ. – 1977. – №1.– С. 33-39; Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана....– С.48-49.
4. Аскарлов А., Абдуллаев Б. Джаркутан. –Т., 1983; Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Самарканд, 1990. – С. 11.
5. А.Аскарлов билан бўлган суҳбат. 2022 йил. 15 ноябрь.
6. Аскарлов А, Абдуллаев Б. Джаркутан. ... – С. 12.
7. Аскарлов А. Бронзовый век Южного Узбекистана. ... Автореф. дис...д-ра ист. наук. – М., 1976. – С. 12; Абдуллаев Б. Культура древнеземледельческих племен эпохи поздней бронзы Северной Бактрии. Автореф. дис... канд. ист. наук. – Новосибирск, 1980. – С.7; Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений ... Дис... канд. ист. наук. – Самарканд, 1990. – С. 9.
8. Абдуллаев Б. Н. Культура земледельческих племен эпохи поздней бронзы Северной Бактрии. Автореф. дис...канд. ист. наук. – Новосибирск, 1980. – С.7.
9. Аскарлов А. Бронзовый век Южного Узбекистана ... Автореф. дис...д-ра ист. наук. – М., 1976. – С. 11.
- 10.Аскарлов А, Абдуллаев Б. Джаркутан. ... – С. 36-39.

MUNDARIJA

Kirish soʻzi	3
БИРИНЧИ ШЎҒБА: МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС: САҚЛАШ, ТИКЛАШ ВА КОНСЕРВАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ.....	4
Курязова Д.Т. Коллекция ювелирных изделий государственного музея искусств узбекистана	4
Асқаров А.А. Оҳангарон ҳавзасида амалга оширилган янги археологик тадқиқотлар хусусида	9
Зияев А. Культурное наследие махалли эски шаҳар ташкента	15
Исмаилова Ж.Х. Ўзбекистон маданий мероси хорижий саёҳлар нигоҳида	21
Мухамедова М. Farfor va chinni: kolleksionerlar, taʼmirlash va muzeylashtirishda mahalliy va milliy tajribalar	26
Ахмедов Ж.З. Замонавий риштон кулолчилик мактаби анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш жараёнлари.....	30
Арипджанов О.Ю., Ахунова Ш. Материальное культурное наследие узбекистана: современные методы сохранения, реставрации и консервации	35
Ходжаев Б. Ўзбекистон тарихи давлат музейи: фондларининг шаклланиши, интеграцияси ва реинновацияси.	41
Нормуродов Д., Норқобилов Т. Тошкент воҳасининг турк ҳоконлиги даври “Тош хайкал – балбал”лари хусусида	49
Каримова Д.О. Ўзбекистон тарихи давлат музейи коллекциясидан бронза даври қабри таҳлили	54
Ahmedjonov N. Jizzax vohasining tarixiy-madaniy yodgorliklari va muzeylar faoliyati.....	59
Abdugʻaniyeva G.A. Oʻzbekiston qurolli kuchlari davlat muzeyi faoliyati tarixidan.....	65
Jabborova L.T. Knyaz N.K.Romanov saroyi: noyob kolleksiyalar qarorgohi va muzeylashtirish jarayonlari.....	70
Bozorboyeva U.M. Muzey kolleksiyasidagi gazlamalardan tayyorlangan muzey predmetlarining konservatsiya va restavratsiyasi.....	75
Боймирзаев С.Б. Ўзбекистон тарихи давлат музейида археологик топилмаларни хужжатлаштириш масаласи.....	80
Jabborova G.T. Issues of preservation and restoration of archaeological monuments of the tashkent region	85
Kuryazov Sh.U. Turli xildagi ashyolarni konservatsiya hamda restavratsiya qilish muammolari.....	88
Oʻktamov U.I. Oʻzbekistonda muzeylarning tashkil topish tarixi.....	93
Қаландарова Н. XX аср бошлари Бухоро шаҳри обидаларини сақлашдаги жараёнлар	97
Sadikova N.B. Muzeylarda fond faoliyatini shakllantirish	102
Норқобилов Т., Минасянц В. Бронзовой котелок XII - XIII вв. Из собрания государственного музея истории Узбекистана Ан РУз	106
Turgunova F. Sirdaryo viloyati madaniy meros obʼektlarini oʻrganilish jarayonlari (eski xovos yodgorligi misolida).....	111
Xasanova N. Muzeylarda yogʻoch oʻymakorligi namunalari restavratsiya qilish jarayonlari.....	116
Бобомуллоев М. Реставрация и консервация бронзового кувшина из «коллекции шол» национального музея таджикистана.....	123
Karimova D.O. Traditions and innovations in the funeral ceremonies of the bronze age people (as an example of sopolli culture).....	129
Мамадова А.М. О серебряных дирхемах самарганда периода аббасидов, найденных в Азербайджане	133